

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Спорт вазирлиги ҳузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгаши раиси**

  
**Ш.Ташматов**

“ 14 ” 08 2024 йил

**Ўзбекистон Республикаси Спорт вазирлиги ҳузуридаги**  
**Жамоатчилик кенгашининг йиғилиш**  
**\_\_\_\_\_ – сон БАЁНИ**

2024 йил “ 14 ” август

Тошкент шаҳри

**Ўтказилиш жойи:**

Спорт вазирлиги биноси.

**Раислик қилувчи:**

**Ш.Ташматов** – Миллий Олимпия кўмитаси раиси ўринбосари, Таэквондо ВТ ассосиацияси раиси, Жамоатчилик кенгаши раиси

**Қатнашдилар:**

- Жамоатчилик кенгаши аъзолари

**Йиғилиш котиби**

- А.Мамадалиев – Республика олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш маркази директори

**КУН ТАРТИБИ:**

**Жамоатчилик кенгаши фаолияти ҳамда 2024 йил учун мўлжалланган йиллик иш режаси ижроси юзасидан.**

( Ташматов, Махситов, Б.Тожиёв, Агзамов, Израилова, ... Ташматов )

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши (бундан буён матинда Кенгаш деб юритилади) раиси **Ш.Ташматов** ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб йиғилиш қатнашчиларини кун тартиби билан таништириб, йиғилишни бошлаб берди ва қуйидагиларни маълум қилди.

Юртимизда сўнгги йилларда барча соҳалар каби спорт соҳасида ҳам қатор ислохотлар амалга оширилиб, ўндан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди.

Мазкур ислохотлар самараси ўлароқ спорт соҳасида сезиларли натижаларга эришилди.

Жумладан, жорий йилда Франциянинг Париж шаҳрида ўтказилган **ёзги олимпиада ўйинларида** ватанимиз шарафини ҳимоя қилган спортчилар муносиб иштирок этиб, **8 та олтин, 2 та кумуш, 3 та бронза қўлга киритиб, 13-ўринни эгаллади** ва кучли **15 талик давлатлар қаторига кирди**.

Спорт соҳасида қабул қилинган норматив ҳужжатларнинг ўз вақтида, самарали бажарилишида, фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этишда **Кенгашнинг** роли алоҳида аҳамият касб этади.

Хусусан, Кенгаш аъзолари **спорт вазирлигининг Ҳайъат йиғилишларида** иштирок этиб, ўтган давр мобайнида кенгаш аъзолари норматив ҳужжатларда Спорт вазирлигига берилган топшириқларни бажарилиши юзасидан, вазирликнинг **очиқлик ва коррупцияга қарши курашиш** соҳасида қабул қилинган ҳужжатларга риоя қилиши юзасидан мониторинг тадбирларини ўтказиб, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан таклифлар бериб келмоқда.

Бундан ташқари кенгаш аъзолари томонидан вазирлик раҳбарияти томонидан ўтказиб келинаётган сайёр қабулларда мунтазам иштирок этиб, Ўзбекистон Республикасининг **“Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”**ги қонунга асосан келиб тушган мурожаатларни холисона, ўз вақтида кўриб чиқирилишида кўмаклашмоқда.

**Кенгаш томонидан** коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинган норматив ҳужжатларга риоя қилиниши, ушбу йўналишда вазирлик томонидан амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам **мониторинг тадбирлари** ўтказилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 июлдаги “Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПҚ-5177-сон** қарорида барча давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларида мавжуд штат бирликлари доирасида **коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши белгиланган**.

Мазкур қарорга асосан Спорт вазирлигида **Коррупцияга қарши курашиш ва ҳуқуқий назорат бўлими** ташкил қилинган бўлиб, бўлим томонидан бир қатор ишлар олиб борилмоқда.

Кенгаш томонидан 2024 йил учун тасдиқланган иш режасига асосан белгиланган муддатларда амалий ишлар олиб борилмоқда.

Кун тартибидаги масала юзасидан, Кенгаш котиби **А.Мамадалиев** сўзга чиқиб, 2024 йил учун тасдиқланган иш режасидаги белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ахборот берилди.

**Иш режанинг 1-бандида** Спорт вазирлиги раҳбарияти томонидан ташкил этилаётган сайёр қабулларда қатнашиш ҳамда фуқаролардан келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқилишида иштирок этиш белгиланган.

Мазкур банд ижроси юзасидан Кенгаш аъзолари Спорт вазирлиги томонидан ташкил этилаётган **сайёр қабулларда** заруратга кўра иштирок этмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг **27 январь куни** Кенгаш раиси **Ш.Ташматов бошчилигидаги Ишчи гуруҳ** Сирдарё вилоятига ташриф буюриб, бир қатор спорт-таълим муассасалари ва спорт иншоотлари ҳолатини ўрганиб чиқди.

Ўрганиш якунида, спорт соҳасига оид жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича **сайёр қабул** ташкил этилди.

Сайёр қабулда билдирилган мурожаатларнинг айримлари жойида ҳал этилиб, муддат талаб қиладиган масалалар катъий назоратга олинди.

**Иш режанинг 2-бандида** белгиланган топшириқ ижроси юзасидан Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, ҳузурида ўтказилган йиғилиш баёнларида Спорт вазирлигига берилган топшириқлар ижросини вазирлик марказий аппаратида ҳамда ҳудудий тузилмаларда **ижро этилишини доимий мониторинг қилиб**, масъуллар фаолиятига объектив баҳо бериб борилмоқда ҳамда **аниқланган камчиликлар бўйича вазирлик раҳбариятига таклифлар киритиб борилмоқда.**

**Иш режанинг 3-бандида** белгиланган топшириқ ижроси юзасидан Спорт вазирлиги фаолияти билан боғлиқ давлат дастурлари, чора-тадбирлар режалари ва бошқа соҳага оид ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда Кенгаш аъзолари иштирок этиб, ўзларининг таклиф ва фикр-мулоҳазаларини бериб келмоқда.

Бундан ташқари Кенгаш томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6247-сон** ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-154-сон** Фармонлари ижроси юзасидан мониторинг тадбирлари ўтказилиб, аниқланган камчиликлар юзасидан таклифлар берилди. Шунингдек, вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрланди.

**Иш режанинг 4-банди**да белгиланган топшириқ ижроси юзасидан Кенгаш аъзолари Спорт вазирлиги Ҳайъати ва кенгайтирилган йиғилишларда иштирок этиб, унда кўрилаётган масалалардан келиб чиқиб таклиф ва тавсиялар киритиб келмоқда.

Жорий йилнинг **5 апрель кuni** ўтказилган вазирлик ҳайъатининг навбатдан ташқари **1-сон** йиғилишида Кенгаш аъзолари иштирок этди.

**Иш режанинг 5-банди**да белгиланган топшириқ ижроси юзасидан доимий равишда спорт федерациялари билан алоқалар ўрнатилиб, белгиланган вазифаларнинг бжарилиши бўйича ҳамкорликда ишлар олиб борилаётганлиги айтиб ўтилди.

Шунингдек, Кенгаш томонидан бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари ва ОАВ билан ҳам ҳамкорлик қилиниб, Кенгаш раиси **Ш.Ташматов** ва бошқа масъуллар иштирокида **жорий йил 3 июль кuni** Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг Париж-2024 Олимпиадасига олиб борилаётган тайёргарлик мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Юқорида таъкидланган масалалар юзасидан ўтказилган йиғилиш якуни бўйича Жамоатчилик кенгаши

#### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

**1.** Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси спорт вазирлиги ҳузуридаги Кенгаш аъзоларининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Спорт вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун мўлжалланган йиллик иш режасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан **Кенгаш аъзолари фаоллиги** янада кучайтирилсин.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор ва фармойишлари, ҳузурида ўтказилган йиғилиш баёнларида Спорт вазирлигига берилган топшириқлар ижросини вазирлик марказий аппаратида ҳамда ҳудудий тузилмаларда ижро этилишини доимий **мониторинг қилиб борсин**, шунингдек, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш юзасидан вазирлик раҳбариятига **аниқ таклифлар киритсин**;

**4.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги **ПФ-6247-сон** ҳамда “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **ПФ-154-сон** Фармонлари бўйича очик эълон қилиб борилиши лозим бўлган маълумотларни **вазирликнинг расмий веб-сайтига** белгиланган

муддатларда жойлаштириб борилишига алоҳида эътибор қаратилсин ҳамда вазирликнинг коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича **таклифлар киритиб борилсин**;

**5.** Мазкур йиғилиш баёнини вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш бўйича вазирлик Ахборот хизматига таклиф киритсин.

**6.** Мазкур баён ижросини назорат қилиш Кенгаш котиби **А.Мамадалиев** зиммасига юклансин.

Йиғилиш котиби:



**А.Мамадалиев**

 (Б.Хамуров)